

ОГАҲИЙНИНГ АДАБИЙ САБОҚЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ўзбек тили ва хорижий тиллар кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди Г.А.Ахмедова*

Аннотация. Мақолада Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг адабий қарашлари, сўз таърифи билан боғлиқ фикрлари ҳамда сўзнинг жамиятда тутган ўрни хусусидаги фикрлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: сўз, шеър, адабий қарашлар, китъа, ғазал, сўз тақдири, эстетик муаммо, огаҳ ижодкор.

Ўрта ва олий таълим тизимида ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари ижодини ўрганишда Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809-1874) лирикаси ҳақида ҳам муайян маълумотлар берилади. Табиийки, бунда салмоқли шеърини меросининг барча қирраларини батафсил ёритиб бўлмайди. Бу бўшлиқни эса ўқитувчи мустақил ўқиш, танлама ва факультатив фан каби таълим шаклларида кенг фойдаланиб тўлдириши мумкин. Бу жараёнда Огаҳийнинг адабий қарашларига, хусусан, бадиий сўз тўғрисидаги сабоқларига алоҳида аҳамият бериш фойдалидир. Чунки бу ҳол шоир поэтик ижодининг умумий моҳиятини тўлароқ тушунишга ёрдам беради.

Огаҳий сўзни икки маънода – инсон фикрининг ифода воситаси, “кўнгил хазинасининг калити” (Навоий) ва бадиий асар(шеър)“илоҳий неъмат” маъноларида тушунган ва таърифлаган. Булардан иккинчиси устувор бўлиб, сўз бадиий тафаккур инъикоси асоси сифатида характерланади. Зеро, қадимдан сўзга илоҳий хислат, Яратганнинг инсонга инъом этган мўъжизаси сифатида қаралгани зардуштийликнинг ахлоқий таълимотидаги “эзгу сўз” тамойилидан маълум.

Огаҳийнинг сўз таърифи билан боғлиқ фикрлари деярлик барча асарларда учраса ҳам уларнинг асосий мазмун-моҳияти шеърятда, хусусан, “Сўз” радибли ғазаллари ва қатор китъаларида анча батафсил баён этилган, қолган асарларида муайян муносабатлар билан билвосита келтирилган мулоҳазалар эса асосий маънони бўрттириш ёки тўлдиришга хизмат қилади. Чунончи, “Гавҳар сўз” ғазалида шоир “Сўз” радибли ғазалидаги фикрларни тараққий топтира бориб, мумтоз шеърятимиздаги сўзга, сўз айтувчига бўлган талаблар мезонларини янада кенгайтиради.

Сўз тақдири – Огаҳий нигоҳидаги эстетик муаммолардан бири бўлиб, инсон ўзлигини намоён этувчи, қалб интилишларини зоҳирда ифодаловчи мезонлардан биридир. Шу туфайли ҳам шоирнинг “Сўз шарбати жондин амлаҳ

(устун) дурур” деган фикрида сўз хусусидаги қарашларининг ўзаги мужассамлашган. Бу ўзак – барча замон ва маконда сўзнинг мангу қадрият эканлиги! Бунини эътироф этган Огаҳий сўзни “сонсиз иморат” ва ҳатто “зурриёддан” юқори қўяди. Чунки булар боқий эмас, сўз эса абадийдир:

**Киши сонсиз иморат қилса бунёд,
Ва ёки ҳаддир афзун қўйса авлод,
Тутиб бўлмас бирисидин бақо кўз
Қолур боқий жаҳон ичра магар сўз¹.**

“Сўз”нинг турли талқинидаги умумий мазмунда унинг инсон қисмати билан боғлиқлиги ва маънавий камолотидаги ўрни масаласи устувордир. Бу жиҳатдан Огаҳий буюк Навоийнинг сўз хусусидаги қарашларига ҳамоҳанглик қилади, устоз шоир фикрларини давом эттириш ва бойитишга интилади.

Сўзни “жаҳон бағрида дурдона” билган Навоий даҳосидан илҳом олиб, Огаҳий сўзни “инсон кўнглидаги бир гавҳари қимматбаҳо” дейди. “Аммо бу гавҳар ўз-ўзича қимматли бўлиши мумкин. У маънога хизмат қилиши, маъно зеварига айланиши шарт. Бунда маънога мувофиқ сўз топиш ва сўз устида ишлаш санъати назарда тутилган”².

Шунингдек, Навоийнинг таъкидлашича, “ўликка жондин нишон” ва “жонга жонондин хабар берувчи” сўз, айтиш чоқда “кўнгил дуржи аро жавҳар”дир. Энг муҳими эса қуйидаги фикрдир:

**Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билгимким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.**

Сўз табиат ва жамиятда ҳамма нарсадан “гуҳари шарифроқ” инсонгагина тегишли бўлиб, унинг кўнгил мулки, эзгу фикрларининг кўзгуси, идрокининг зийнатидир. Шу туфайли сўзнинг ижтимоий-эстетик вазифаси инсоннинг олий мақсади ва юксак туйғуларини ифодалашда намоён бўлиб, уни ҳайвонликдан халос этишга хизмат қилади. Акс ҳолда сўз хор бўлади. Бинобарин, шоирнинг “Они хор этма дебон ҳар хуши йўқ ҳайвонга сўз” дейишида катта маъно бор. Зеро, сўз – “дурри жавоҳир” асрлар давомида садаф қўйнида гавҳарга, маъни ҳайратига айланса ҳам, у ҳайвон учун аҳамиятсиздир. Чунки ҳайвон фаросат ва фаҳмдан маҳрум. Шоир сўз уқмасларни жоҳил, тошбағир (сангдил) деб атар экан, уларга сўз англатишнинг бекорлигини қуйидаги оҳорли ташбиҳ ва таъсирли ифодаларда кўрсата олган:

**Сангдил, жоҳилга тонг йўқ, сўз агар қилмас асар,
Чунки таъсир айламак мумкин эмас сандонга сўз.**

¹ Огаҳий. Асарлар. II жилд. Тошкент. 1971. –Б.273.

² Ҳаққулов И. Шеърят-руҳий муносабат. Тошкент. Адабиёт ва санъат. 1990. . –Б.219-220.

Бу ўринда уларга сўз уқтириш темирчининг устида металл қўйилган оғир пўлат асбобига болға уришига қиёсланган.

Огаҳий талкинида сўзни кадрлаш инсоннинг ўз кадрини билиши ғояси билан ҳам боғлиқ бўлиб, унинг ҳар бир сўзи ўз шаънини англатишга, руҳияти ва маънавиятида олийжаноб фазилатларни шакллантиришга қаратилиши зарур. Сўзни зое этмаслик, кимга айтишни билиш, тилни тийиш шу мақсадга хизмат қилади.

“Дегил инсонга сўз” ғазалидаги мантиқий изчилликни вужудга келтирган ўн бир байтнинг ҳар бирида сўз ҳосиятининг муайян бир қирраси ёритилади ва “инсон” ҳамда “нодон” зид сўзларининг ўринли такрори орқали асосий фикр таъкидлаб кўрсатилади. Бунда ғазалнинг биринчи байти ҳусни матлаъ, яъни шоҳбайт сифатида келади, кейинги байтларда эса ундаги маъно кенгроқ изоҳланади. Жумладан:

Эй кўнгил, одам хаёл айлаб, дема нодонга сўз,

Чунки у инсон эмас, топсанг дегил инсонга сўз, -

матлаъсидаги фикр мактаъда “оламда беҳаё нодонга сўз маъқул қилмоқ барча ишдан душвор” эканлиги билан мантиқий якун топади.

Огаҳийнинг “Гавҳар сўз” ғазалида сўз таърифи янада қамровли тарзда акс этади. Унда сўз “гавҳар”, “зевар”, “шаккар” каби сифатлар билан эъозланиб, сўзни англамаслик “мушкуллиги ва ғафлат”лиги уқтирилади. Зеро, ҳар кимнинг аҳволи ва қалбидаги “асрори ниҳони”ни юзага чиқарадиган восита ҳам сўз эканки, у зукко кишини жаҳлдордан фарқлашга имкон беради.

Огаҳийнинг эстетик ақидасига кўра, нодон ва жоҳилларнинг сўзга бепарволиги унинг кадрини асло туширмайди, балки ижод аҳлини сўз сеҳрини кенгроқ очишга, “сўзни пухта қилишга” ундайди. Буни яхши хис қилган шоир, аввало, ўз сўзининг ҳар жиҳатдан юксак бўлишига, унга ҳеч ким эътироз билдирмаслигига ўзини сафарбар этади:

Бўлуб карам тафаккур, Огаҳий, қил пухта сўзингни,

Сўзингга сўз топарға очмасун ҳеч бир сухандон лаб.

Огаҳий ўзининг бу даъватига ўзи амал қилди. Унинг адабий фаолиятида фақат ғоявий ва бадиий юксак асарлар яратишга ундовчи бу хитоби амалда бошқа ижодкорларга ҳам қаратилгандир.

Бадиий сўзнинг беғараз, чин ва самимийлиги Огаҳий назаридаги долзарб масалаларидан биридир. Бу хусусиятлар инсон қалбида эзгулик, завқ, холислик ва комиллик каби фазилатларни уйғотувчи сўзнинг мартабасини сарбаланд қилувчи шартлардир. Буларсиз, Огаҳий айтмоқчи “сўздин юз дуру гавҳар сочсанг ҳам у бир кўхна сополча (“ҳазаф”) қийматга” эга бўлмайди. Лекин чинакам сўз ҳамиша дилни нурлантириб, қалбларга завқ бағишлаш билан таҳсинга сазовор.

Огаҳий қарашларидан ижодкор сўзининг рост, ижодкорнинг эса ҳақғўй бўлиши зарурлиги англашилади. Аммо чин сўзнинг ўзи тўла тугаллик эмас, унга амал қилингандагина сўз санъат сифатида воқе бўлади, ижтимоий-эстетик функциясини адо этади.

Огаҳий ўзининг огаҳ ижодкор эканлигини сўз ва тил одоби билан боғлаб, сўзни қисқа, тилни эҳтиёт қилиш ҳақида ҳам муҳим адабий сабоқ берадики, у ҳозир ҳам ибратлидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Тошкент. 2002 Б. 159.
2. Абдуғафуров А. Муҳаммад Ризо Огаҳий Тошкент 1999 Б. 58.
3. Иброҳим Ҳаққул. Шеърят — руҳий муносабат. Тошкент 1990 Б. 220.
4. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Тошкент: Фан, 1992. 244 б.
5. Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон. Мақолалар тўплами. Тошкент: Халқ мероси, 1999. 151 б.
6. Айёмий. Ўт чақнаган сатрлар. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. 182 б.